



**ПСИХОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ**

**С.Қурбонова**

*ФДУ Сиртқи бўлими*

*Ижтимоий гуманитар кафедраси*

*ўқитувчиси*

**Анотация** Ушбу мақолада психологияни ўқитишдаги замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилишдаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқитувчининг талабалар билан ўрнатилган ҳамкорликдаги фаолиятига боғлиқлиги тадбиқ этилган.

**Калит сўзлар:** руҳий баркамоллик, эгоистлик, инновация, интерактив метод, интеллектуал салоҳият.

**APPLYING MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES TO TEACHING  
PSYCHOLOGY**

**S. Qurbanova**

*External Department of FSU*

*Department of Social Humanities*

*teacher*

**Annotation.** *In this article, the experience and skills of using modern pedagogical technologies in teaching psychology, as well as the teacher's cooperation with students, are applied.*

**Key words:** *mental maturity, egoism, innovation, interactive method, intellectual potential.*

**ПРИМЕНЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В  
ОБУЧЕНИИ ПСИХОЛОГИИ**

**С. Курбанова**

*Внешний отдел БСС*

*Департамент социальных гуманитарных наук*

*преподаватель*



**Анотация** В данной статье применены опыт и мастерство использования современных педагогических технологий в обучении психологии, а также сотрудничества учителя со студентами.

**Ключевые слова:** психическая зрелость, эгоизм, новаторство, интерактивный метод, интеллектуальный потенциал.

Ёшларнинг баркамоллиги деганда уларнинг ҳам жисмоний, ҳам рухий, ҳам ижтимоий мукамалликларини тушунамиз. Шундай экан биз таълим-тарбия самарадорлигини ёшларнинг қай даражада билим, кўникма ва малакага эга эканликлари, тарбияланганлик даражалари, мустақил билим олишга, ҳаётда ўз ўринларини топиш учун қандай тайёргарлиги билан ўлчамимиз, баҳо беришимиз лозим. Бунда, албатта, педагогик жараённинг психологик қонуниятлар яъни шахс ривожланиши қонуниятлари асосида амалга оширилганлиги муҳим саналади. Жан Пиаже “боланинг ижтимоийлашуви” жараёнини ўрганар экан, унинг ўз тенгқурлари билан турли мавзуларда қиладиган мунозара ёки баҳслари, ундаги эгоистик шахсиятпарастлик мавқеини сусайтириб ва шу тариқа ўз-ўзини англаш билан бир қаторда ўзгаларнинг мавқеларини англаш ва ўзида шахсга ҳос сифатларни ўстиришини аниқлаган<sup>35</sup>. Демак, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш ёшларда мустақил, ижодий фикрлашни ривожланиши учун асос бўлади.

Бугунги кунда тараққий этган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатяптики, ҳар қандай замонавий мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида халқ хўжалигининг барча соҳаларида инновацияларни жорий этиш қанчалик тез ва кенг рўй бераётганлигига боғлиқдир. Мазкур мураккаб жараённинг мувафаққиятини белгиловчи асосий омил эса тегишли тармоқ ва соҳада меҳнат қилувчи мутахассисларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятидир. Шунинг учун ҳам шахсни ҳар томонлама мукамал ва баркамол қилиб шакллантириш вазифаси энг долзарб масала ҳисобланади. Таълим тизимида ислохотлар ўтказиш педагогларнинг психологик билимдонлиги ҳамда амалий кўникмаларини тобора ошириб боришни тақозо этади. Бунда таълим жараёнига янгича ёндашиш, услуб ва мазмунан такомиллашган воситалардан унумли ҳамда ўринли фойдаланиш зарурдир.

Ҳар бир дарсни ташкил этишда ўқитувчининг мақсади мавзунини талабаларга етказишгина бўлмай, балки ана шу мавзу орқали уларнинг билиш

<sup>35</sup> Хрестомати по педагогической психологии. Учеб. посб. для студ. –М. 1995. -416 с.





жараёнларини ривожлантириш, ўзига ҳос индивидуал психологик хусусиятларни таркиб топтириш ҳамдир. Бу ўринда ўқитувчининг интерактив усуллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Инновацион технологиялар методи педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан, интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар-бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари таълим мазмунининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Бу методларнинг ўйза хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргалиқда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Таълимни такомиллаштириш учун талабаларни мустақил билим олишга ўргатиш ва бунда ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи фаол услублар билан қуроллантириш айти мурдадир. Ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан ётуқ, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган, юксак ақл-заковат соҳиблари этиб вояга етказиш лозим. Бунинг учун таълим-тарбия тизимида ўқитишнинг янги, изчил ва самарали услубларини жорий этиш, ўқитишда сифат ўзгаришларига эришиш, юксак малакали, касбини жони дили билан севадиган фидойи мутахассисларни тайёрлаш керак бўлади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- ўқувчи-талабани дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этади.

- ўқувчи-талабани ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий бўлишини таъминлайди.

- ўқувчи-талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтиради.

- педагог ва ўқувчи-талабанинг ҳаммаша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллайди.

Демак, интерактив усул бу – ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида таълим самарадорлигини ошириш, талабаларда мустақил фикрлаш, мустақил мулоҳаза юритиш, у ёки бу масала бўйича ўз фикрини билдириш, муносабатини баён этиш ҳамда зарур кўникмаларни шакллантириш демақдир. Бу усулларда талабалар фаол иштирок этиш орқали берилган муаммоларга жавоб излайдилар, фикрлайдилар, баҳолайдилар, ўз фикрларини ёзма ва оғзаки баён этадилар, далилларни исботлайдилар, ҳамда зарур хулосаларни чиқарадилар. Ана шундай таълим асосида ёшларда билим, кўникма ва





малакаларнинг шаклланиши янада тезлашади ҳамда уларнинг амалий фаолиятга тайёргарлиги юқори даражага кўтарилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Djuhonova, N. "PREPARING STUDENTS FOR FAMILY LIFE AS A PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL PROBLEM." Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества. 2020.
2. Джухонова Н. Х., Мамажонова Ш. МАҲАЛЛА-ҚИЗЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА //ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ. – 2021. – Т. 4. – №. 7.
3. Djuxonova, Nohida. "BADIIY ADABIYOTLARDA PSIXOLINGVISTIKANING QO 'LLANILISHI." Журнал иностранных языков и лингвистики 2.6 (2021).
4. Джухонова Н. Х., Иброхимов Д. ЭТНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ ДЕВУШЕК-СТУДЕНТОК К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 829-835.

